

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 238 (10.291)

2004 ЙИЛ 6 ДЕКАБРЬ

Сайлов-2004



## «БИЗ ЎЗБЕКИСТОНГА ДЎСТ СИФАТИДА КЕЛДИК»

Бўлажак сайловда иштирок этиш учун мамлакатимизга таширф буюраётган халқаро кузатувчилар сони кун сайин кўпаймоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида ЕХХТ кузатувчилари миссияси раҳбари Любомир Колай раҳбарлигидаги делегация аъзоларига аккредитация гувоҳномаларини топширишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Хужаева сайловга таъйиргарликнинг бориши ҳақида сўзлаб берди.

Маҳаллий ва хорижий ташкилотлар ҳамда давлатлардан кўплаб мустақил кузатувчилар сайлов арафаси ва бевосита овоз бериш жараёнида Ўзбекистоннинг сайлов қончилигига риоя қилиниши устидан назорат олиб бориши таъкидланди. Яқинда Тошкентда МДХ мамлакатлари халқаро кузатувчилари миссиясининг штаби

очилди.

Шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Европарламент ва дунёнинг турли давлатларидан кузатувчиларнинг таширфи кутилмоқда.

— Биз Ўзбекистонга дўст сифатида келдик, — деди ЕХХТ кузатувчилари миссияси раҳбари Любомир Колай. — ЕХХТ Ўзбекистоннинг ўз сайлов қончилигини такомиллаштиришга бўлган интилишини ҳамда кейинги пайтда унга киритилган демократик ўзгаришларни юқори баҳолайди. Миссиямиз

таркибида ҳозирча тўққиз нафар кузатувчи келди, 7 декабрь куни эса яна бир гуруҳ кузатувчиларнинг таширфи кутилмоқда. Улар Ўзбекистоннинг 6 йрик шаҳрида иш олиб боради. Шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Европарламент ва дунёнинг турли давлатларидан кузатувчиларнинг таширфи кутилмоқда. Улар Ўзбекистоннинг 6 йрик шаҳрида иш олиб боради. Шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Европарламент ва дунёнинг турли давлатларидан кузатувчиларнинг таширфи кутилмоқда. Улар Ўзбекистоннинг 6 йрик шаҳрида иш олиб боради. Шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Европарламент ва дунёнинг турли давлатларидан кузатувчиларнинг таширфи кутилмоқда. Улар Ўзбекистоннинг 6 йрик шаҳрида иш олиб боради.

А.ИВАНОВА,  
ЎЗА мухбири

## XXVI сағоси

Барча мақбаладада олқатган сўғити хабарлар

### Мамлакатимизда

- Конституцияимизнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган умуммамлакат оммавий марафони кеча Тошкентдаги Амир Темур хиёбонида ниҳоясига етди. Энг фаол жамоалар ва катнашчиларга Кубоклар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.
- БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Тошкентдаги «Панох шуъласи» кўзи оғиз ва заиф кўрадиган болалар марказига Брайл алифбосида ишлайдиган компьютер, принтер, видео камера ва бошқа ўқув анжомларини ҳада қилди.
- Тошкентда дори-дармон ишлаб чиқаришга иxtисослашган «Novopharma plus»

Ўзбекистон-Кипр қўшма корхонаси иш бошлади.

### Жаҳонда

- Россия Президенти Владимир Путин уч кунлик таширф билан Хиндистонда бўлди.
- Украина Президенти Леонид Кучма мамлакатда президент ваколатини чекловчи ислохларга ўтказилаётган бўлса, Виктор Янукович бошчилигидаги ҳукуматни тарқатиб юборишга тайёр эканлигини маълум қилди.
- Филиппин оролларида рўй берган қатор тўфонлар оқибатида икки миң киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирда мамлакат ҳукумати навбатдаги «Номадал» бўрониди жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ишларини бошлади.
- Гаитида яна нотинчлик рўй берди. Бу ерда юз берган оммавий тўқнашувлар натижасида ўндан ортик кишилар ҳалок бўлди.

## КОНСТИТУЦИЯ — ИСТИҚЛОЛИМИЗ ВА ОЗОД ВАТАНИМИЗ РАМЗИ



Ўн икки йилдики, Конституциямиз биз ҳаммамиз орзу қилган адолатли, мустақил, ҳуқуқий фуқаролик жамиятига эришиш учун, шундай ёруғ кунларга муносиб бўлиш учун бизлар қандай хусусиятларга эга бўлишимиз кераклигидан сабоқ берувчи улуг дорилфунун вазифини шараф билан ўтамоқда.

Конституцияимизда ёзилган қондалар фуқароларимизнинг кундалик ҳаётида тобора тўлароқ ўз аксини топмоқда.

Конституциянинг ўн икки йиллик бевосита ҳаракати таҳлилидан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, Асосий Қонунимиз ўзининг барқарорлиги билан қай даражада пухта ва ҳаётий эканлигини исботлади.

Бу даврда Ўзбекистонда, аввало, конституциявий давлат қарор топди.

Конституция, таъбир жоиз бўлса, ҳуқуқий билимларнинг алифбосидир. Мустақиллик йилларидаги бутун туб демократик ўзгаришлар Конституция неғизида кечди ва кечмоқда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган санадан эътиборан дунё сахнида янги, суверен давлат қарор топган бўлса, биринчи Конституциямиз қабул қилинган кунни давлатимиз янгида тугилди, ҳақиқий мустақиллигимизга мустахкам ҳуқуқий пойдевор қўйилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий қафолатларини шакллантир-

ди ва мустахкамлади. Бу Асосий Қонун ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ мухомаасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинган.

Асосий Қонунимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши каби нуфузли халқаро ташкилотлар, АҚШ, Буюк Британия, Франция сингари ривожланган демократик давлатлар мутахассисларининг синчков назаридан ўтган ва жаҳондаги энг демократик конституциялардан бири сифатида эътироф этилган.

Шунингдек, лозимки, ҳеч ким, ҳаттоки бизни ҳеч хуш кўрмайдиган кишилар ҳам Конституцияимизнинг демократик моҳиятини инкор эта олмади.

Табиий бир савол туғилди: хўш, бунинг сабаби нимада?

**Биринчидан,** бизнинг Конституция ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда сигналган умминсоний, умумбашарий қадриятларни, халқаро андозаларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир.

Давоми 2-бетда.

## САЙЛОВЛАРНИ ТАШВИҚОТИ

БУГУН



### ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг тўртинчи саҳифасида ёритилмоқда.



### ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг бешинчи саҳифасида ёритилмоқда.

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли

Янгиликлар, воқеалар

### КИСФА

- **БУГУН** Бектемир туманидаги 289-мактабда бўлиб ўтган «Инсонни азиз қилган Қону» мавзусидаги давра суҳбати туман Марказий кутубхонаси ҳамда маъруза мактаб ҳамкорликларида уюштирилди.
- **БУГУН** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетиди талабалар, ўқитувчилар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.
- **АБРОР** Ҳидоятлов номидаги Ёш томошабинлар театрида **КЕЧА** Собир Раҳимов тиббиёт коллежи талабалари ўртасида «Сен қонунни биласанми?»

мавузиди кўрик-танлов ўтказилди.

- **ЎТГАН** куни шаҳримиздаги 153-мактабда ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишлаб ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.
- **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Бахт уйи» гузариди **ЎТГАН** куни Меҳр ва муруват йилга бағишлаб туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган тадбирда меҳрга ташна инсонлар иштирок этишди.
- **2-ТОШКЕНТ** Давлат тиббиёт институтининг 3-ётоқхонасида ўқитувчилар, Тошкент Давлат юридик институти талабалари иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Конституция — Бахтимиз Комуни» деб номланди.
- **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 202-мактабда «ОИТС» ва оғусиз дунё 29 мавзусида тадбир бўлиб ўтди.
- **31-МЕХРИБОНЛИК** уйда Юнусобод туман ҳокимлиги, ту-

ман халқ таълими бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши ҳамкорликларида ўтказилган «Ҳуқуқ ва бурч» мавзусидаги тадбирда тарбияланувчилар, ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

• **СОБИР** Раҳимов туманидаги 102-сонли махсус мактаб-интернатда туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, туман ички ишлар бошқармаси ҳамкорликларида «Ўзбекистон фарзанди номига содик бўл!» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

• **ШАҲРИМИЗДАГИ** 454-боғчада Ҳамза туман халқ таълими бўлими, туман воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида тарбияланувчилар оилалари ўртасида «Отам, онам ва мен-спортчилар оиласи» деб номланган мусобақа уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

**Давоми. Боши 1-бетда.**

**Иккинчидан**, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий толган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Бунда қайсидир давлатнинг тайёр Конституциясини кўр-кўрона кўчириб олиш йўлидан бормай, балки энг илгор хорижий конституциявий тажрибаларни ўргандик ва эътиборга олдик. Натижада эндиликда Бош Қомусимиз дунё миқёсида ҳам ҳар қандай тараққий толган давлат Конституцияси билан баробар куч синашмоқда.

**Учинчидан**, Конституциянинг гоё ва нормалар ўзбек халқининг теран тарихий илди-илдирига асосланган бўлиб, у кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуг аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўз ичига олган.

Бу Конституция, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар Ал-Бухорий, Термизий, Форуқий, Мотуридий, Марғинович, Ясавий каби улуг боболаримиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланди миллий тафаккурни, муқаддас қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олийжаноблик, бағрикенглик, мардлик, танитилик каби миллий менталитетимизга хос улуг хислатлар бу муборак ҳужжатда муносиб даражада ўз аксини топган.

**Инсон** — муқаррам ва муборак зот. Бош Қомусимизда ҳам миллий, ҳам умумбашари мезонларга тўла мос келувчи ана шу фикрни илгартириш ва шу асосда «фуқара — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилади. Бир неча ўн йиллар давом этган тоталитар ҳуқуқсизликдан сўнг инсон ҳуқуқларининг устуворлиги таъминланди асосий йўналиш, деб танланди.

Ўзбекистон Конституцияси жамиятнинг муносибдан узил-кесил кўтулиши, инсоннинг озоод бўлиб, фаол фуқаролик маънасини эгаллаши сари қўйилган муҳим амалий қадам бўлди. Бунинг натижасида одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши кескин ўзгарибди.

Конституциянинг бир банди Аллоҳ таоло ато этган энг улуг неъмат — инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳақида. Биз Истиқлол йилларида Ўзбекистонда инсон ҳаётининг дахлсизлиги бош қафолати бўлган тинчлик ва барқарорликни мунтазам равишда таъминлашга жиддий эътибор бермоқдамиз.

Конституциянинг энг муҳим моҳияти шундан иборатки, унда: «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдига масъулдирлар» дейилган, яъни фуқаролар манфаатининг устунлиги Қонуний равишда мустаҳкамланган ва қафолатланган.

Конституциянинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига борида жохон конституциявий тажрибасининг энг илгор жиҳатларини қамрай олган. Шу билан бирга, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принципиал қоидаларини ўзига сингдирган.

Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насаби-насаби, ирки, миллатидан ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуққа эгадир. Конституциянинг Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча миллат ва эллатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий анъаналари ҳурмат қилинишини қафолатлайди.

Конституцияда хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши алоҳида таъкидланган. Бундан кўзланган мақсад — иқтисодий ёта марказлаштирилмаслик ҳамда яққа ҳокимликка барҳам беришдан, қорхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорликнинг мустақиллигини кенгайтиришдан иборат.


Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчидир. Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатасининг, Ўзбекистон Президентининг, Вазиранг Мақамасининг, суд ҳокимияти идоралари бўлиши — Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик судининг ваколатлари аниқ равшан белгилаб қўйилган.

Иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олинди. Фуқаролик жамиятининг энг қуйи бугини — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ўзинининг маҳаллалардир. Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг муҳимларидан бири марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари ва зифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, шу жумладан, Бош Қому-

симизда илк бор конституциявий мақомга эга бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларга босқичма-босқич ўткази бориши кўзда тутилди.

Бош Қомусимизда жамиятда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Шу асосда Олий Мажлисга сайлов кўппартиявийлик негизда ўтиши аллақачон яқши анъаналарга айланди.

Асосий Қонунимизда ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган, ҳеч қайси мафқура давлат мафқураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафқурасини яратиш ва зифасини қўйди.



# КОНСТИТУЦИЯ — ИСТИҚЛОЛИМИЗ ВА ОЗОД ВАТАНИМИЗ РАМЗИ

Шу билан бир қаторда, давлатимиз минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини вужудга келтириш йўлида изчил сайёҳаракат қилмоқда ва бу борада муайян ижобий натижаларга ҳам эришди. Зеро, неча асрлардан бери ёнма-ён яшаётган Марказий Осиё халқларининг келажак тақдирини айри-айри тасаввур қилиш мумкин эмас.

Конституция дунё харитасида янги давлат пайдо бўлганини мустаҳкамлади. Бош Қомусимиз асосида Ўзбекистон жохон ҳам-жамиятида ўзининг муносиб ўрнини топди.

Асрлар мобайнида ташқи дунёдан ажралиб қолган Ўзбекистон бугунги кунда дунёга, дунё эса Ўзбекистонга эшикларини кенг очди.

Асосий Қонунда Ўзбекистон халқари муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти экани таъкидланган. Ҳозирги кунда мамлакатимиз эзликдан ортқ нуфузли халқари ташкилотларнинг ортқ аъзолига айланган, жохон ҳўжалигига уйғун ҳолда ривожланиш ва ўзаро манфаатли муносабатларини тобора кенгайтиряпти.

Биз ташқи сиёсатимизни шакллантиришда конституциявий тамойилларга амал қилган ҳолда, аввало, ўз куч-қудратимизга, маънавийатимизга, кўп аждодлар меҳнати билан яратилган халқимиз салоҳиятига таянганмиз. Бу — ташқи муносабатларда очик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, халқари ҳўқуқнинг умум эътироф этган қоидаларига риоя этиш демократ.

Айнан ушбу хусусиятлар ва ўзига хосликлар туфайли мамлакатимиз Асосий Қонунининг ҳаётли куч-қудрати, унинг юқори даражада амал қилиши таъминланмоқда. Маълумки, Конституция демократиянинг энг муҳим институтларидан бўлиб, бир гоё билан бирлашган уч ва зифани бажаради.

**Биринчидан**, у сиёсий ҳўжат сифатида жамиятда муайян ижтимоий муҳитни юзага келтиради, сиёсий тизимни белгилай беради.

**Иккинчидан**, Конституция юридик ҳўжат сифатида давлатнинг тузилишини ва ҳуқуқий тизимини мустаҳкамлайди, Қонунларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

**Учинчидан**, мафқуравий жиҳатдан Конституцияда муайян гоёлар, қарашлар ва қадриятлар акс этади. Конституцияда мустаҳкамланган миллий гоё, мамлакатни, халқни бирлаштиришга ва жипслаштиришга хизмат қилади. Бу айниқса Асосий Қонуннинг Муқаддимасида ўз аксини топган.

Конституциянинг қабул қилиниши мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим кадам сифатида тарихда қолди. У суверен давлатимизнинг ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг тағзамани, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тошидир.

**Конституция — узок йилларга мўлжалланган муҳим ҳуқуқий ҳўжат сифатида жохон цивилизациясининг буюк ютуғидир, ҳеч бир демократик давлатни Конституциясиз тасаввур этиб бўлмайди.**

Дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир турли мамлакатларнинг конституциявий ривожланиши турлича бораёт-

ганини кўришимиз мумкин. Ақсарий гарб мамлакатларига конституциявий ривожланишнинг инқилобий ислохот йўли хос бўлиб, бунда Конституция инқилоб натижасида, жиддий сиёсий ва ижтимоий бўҳронлар вақтида қабул қилинади.

Бу борадаги ислохотларнинг иккинчи йўли тадриҳий хусусиятга эга бўлиб, бир конституциявий тузумдан иккинчисига ўтиш аста-секин, Босқичма-Босқич, халқнинг азали анъаналари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Бундан роппа-роса ўн икки йил муқаддам, парламент сессиясида халқимиз умумий иродасининг ҳосиласи — мустақил Ўзбекистоннинг илк Конституцияси айнан шу тарика қабул қилинди. Давлат ва жамият ҳаётининг Асосий Қонуни бўлиши бу ҳў-

бераётир. Эндиликда Конституциямиз болалар бочаларидан бошлаб, мактабларда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртиларида ўқитилмоқда.

Мақтур Фармоийш талабларини бажариш йўлида бугунги кунгача 40 дан ортқ дарслик, рисола ва махсус қўлланмалар тайёрланди, ҳар икки илмода, бир неча тилда нашр этилгани айни мўддадир.

Мустақил давлатимиз бундан ўн икки йил аввал Бош Қомусимизни қабул қилар экан, юқорида таъкидлаганимдек, жохон ҳам-жамиятига ўзининг демократик гоёларига, ижтимоий адолат тамойилларига амал қилишини, дунё томонидан тан олинган инсон ҳўқуқлари ва эркинликларига содиқ бўлишини намоён қилган эди.

Айни чоғда, адолатли ва инсонпарвар Асосий Қонунни яратиш ва қабул қилиш қанчалик муҳим бўлмасин, бу жараён мамлакатимиз мустақил конституциявий ривожланишининг биринчи босқичи ҳисобланади, холос.

Конституция барқарор бўлиши керак, аммо у мутлак ўзгармас, қотиб қолган доғма ҳам эмас. У ҳаётга мос ва хос равишда, мамлакат тараққиётининг бурилиш паллалари ва халқ истак-хоҳишлари тақозосига кўра муайян тартибда ўзгаришлар турилади. Бош Қомусининг ҳаётлилиги ҳам, аслида шунда.

2002 йил 27 январда бўлиб ўтган умумхалқ референдум натижаларини ҳаётга таъбиқ қилиш масаласини олиб кўрайлик. Ўз-ўзидан аёнки, агар ана шу натижалар, биринчи галда, Конституциямиз ва Қонунчилигимизда ўзининг амалий ифодасини топмас, ҳавода муаллақ ҳолда осилиб қоларди.

Шунинг учун 2002 йил 4 апрелда «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий Қонуни қабул қилинди. Бу ҳуқуқий ҳўжат референдум натижаларини Қонунчилик тилида ифодалаб — муҳрлаб берди ва Бош Қомусимизга тегишли ўзгаришлар киритишга асос бўлди. Бундан ташқари яна иккита — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тўғрисидаги конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Конституциявий Қонун дегани Конституция билан тенгма-тенг ҳуқуқий кунга эга бўлган ва маълум давр мобайнида муайян даражада умумий ва зифасини ўтайдиган ва қийинлик қилиш қоидалари Асосий Қонун таркибидан ўрин оладиган муҳим ҳўжатдир.

Биз 1991 йили — мустақиллигимизни эълон қилган кунга қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий Қонунлар мисолида бундай Қонунларни амалда қўллас механизми ва тажрибасидан яқши баҳардоримиз.

Конституциявий Қонун — норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар тизимида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.


Асосий Қонунга ўзгаришлар киритиш чоғида ҳар қайси ҳокимият тармоғи, бу Қонунчилик, ижро ёки суд ҳокимияти бўладими, ўзига юклатилган ваколат ва ва зифаларни тўлиқ ва холисона бажаришига ҳалал бермайдиган ва аксинча уларнинг бундай фаолиятини янада яқшилашга, тақомиллаштиришга қумаклашадиган қоидаларини ма Конституциямизга киритишга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайман.

Бундан келиб чиқадиган асосий ҳулоса шуки, Конституциянинг имконияти хали туғгани йўқ ва уни тўла амалга ошириш гоё унлаб йиллар талаб этилади. Ундаги муҳим ва принциплар биз доимо интилайтган ҳуқуқий идеални ташкил этади. Шу билан бирга, Конституцияни реал мазмун билан тўдириб бориш ҳаёт тақозосидир.

Конституция — бу Истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рами. Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётли қўлланма, балки гурур-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқом қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоядир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эзгу мақсад мўддаоларимизни рўйбга чиқаришимизда, эркинлаштириш, демократик янгиликларни ҳаётимизга янада кенгрок таъбиқ этишимизда ишончли ҳуқуқий манба, буюк келажак манзилларига бошловчи ёруғ йўлни юлдўз бўлиб хизмат қилароқ!

**Акмал САИДОВ,**  
юридик фанлари доктори,  
профессор.



**Жаҳон ва оммавий ахборот воситалари хабарларидан**

● Мозимбикда мамлакат президенти ва парламенти учун сайловлар бўлиб ўтди. 18 йил ҳокимият тепасида бўлган президент Жоаким Алберту Чисса-но истеъфога чиқди.

● Иордания Яқин Шарқда тинчлик жараёнини тиклаш ҳаракатларини янгилашга кўмак беришни ваъда қилди. Фаластинлик собиқ бош вазир Муҳаммад Махмуд Аббос Уммонга таширфи давомида ана шу ҳақда баёнот берди. Иордания ҳукуматининг бош вазири Марван Муашир Иордания фаластинликларнинг Исроил билан зиддиятини сиёсий мутаносиблаштиришга бор кучини сарфлаётганини маълум қилди.

● Абхазиялик резервчилар республикадаги президентлик сайловлари голиби Сергей Багапшани тан олмадилар. Президентчиларнинг Сухумида бўлиб ўтган курултойида Багапш тарафдорлари сўнги ойлар мобайлида «Конституция ва республика конунларини қўпол тарзда инкор этиб», ҳокимият-ни қўлга олишга уринаётганликлари ҳақида баёнот тарқатди.

● Калифорния (АҚШ)да истикомат қилувчи Томас Ли Голдстейн асосис равишда 24 йил қамок жазосини ўтаганлиги сабабли маҳаллий ҳокимият вакиллари судга берди. Яқинда суд 1979 йилда унинг қотилликда айбланиши ва берилган жазо ноҳақ бўлганлигини тан олди. Энди Голдстейн бунинг учун тоvon талаб қилмоқда.

● Покистоннинг жануби-ғарбидаги Кветта шаҳрида юз берган тўқнашувда «Ал-Қоида» ташкилотининг аъзоларидан бири деб таҳмин қилинган жангари ҳалок бўлди. Бундан ташқари, хавфсизлик хизмати ходимларидан 11 нафари жароҳатланган. Шунингдек, Британия полицияси ҳам мамлакат шимолидаги Манчестерда кенг миқёсдаги аксилтеррор операциялар ўтказди. Рейдлар давомида бир қанча шахслар ҳибсга олинди.

● Санкт-Петербургдаги Балтика заводида қурилаётган «Галабанинг 50 йиллиги» атом музёрида ёнғин чиқди. Дастлаб унга мураккабликнинг иккинчи даражасидаги ёнғин сифатида баҳо берилган эди. Аммо, бир соат ўтгач, бу кўрсаткич учинчи даражагача кўтарилди. Хайриятки, кўп ўтмай, аланга хуружи жилвланди.

● Португалиянинг Фаро шаҳрида ўтказилган операция чоғида 3 тоннага яқин кокаин қўлга олинди. Полицияни хабар беришча, кечаси ўтказилган рейдларда Голландия давлат рақамили юк автомобилдан ўта юқори сифат билан тайёрланган 2963 кг оғирликдаги кокаин топилган. Шунингдек, уч нафар голландиялик ва бир испаниялик ҳиссга олинди.

● Хитойнинг Шаньси музофотидаги портлаш юз берган Чэньцзяшань кўмир қонида исгази хавфли миқдорда тўпланиб қолгани учун кўтқарув ишлари суръати пасайди. Кўтқарувчилар шахта харобалари тағидида қолган қончиларни қидиришмоқда.

**БИЛИМЛАР СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ**

Тошкент давлат Юридик институтида талабалар ўртасида бўлиб ўтган «Конституция — менинг тақдиримда» мавзусидаги иш ва рефератлар танлови ҳам Бош комитетимиз қабул қилинган кўнга бағишланди.

Икки босқичда ўтказилган ушбу танловда икки ярим мингдан ортиқ талабалар иштирок этишди. Улар биринчи босқичда иш ва рефератлар танлови иккинчи босқичда реферат тайёрлаб топширдилар.

Ушбу танловни ўтказишдан мақсад талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданиятини оширишдан иборат бўлиб, Конституциянинг ўрни ва аҳамиятини ёшлар тафаккурига, онгига сингдириш, шу йўл билан Асосий Қонунимизга нисбатан юксак ҳурмат муҳитини яратиш, ҳар бир фуқаронинг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўла идрок этиш орқали ўзлигини мукаммал англаб етишига эришишдир. Адолатли, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги қафолат бўлган Асосий Қонунимизни билиш, ўрганиш ва амал қилиш шу жамият фуқароси бўлган ҳар бир инсоннинг асосий бурчи ва вазифасидир.

Институт миқёсида бўлиб ўтган танловда зукко талабалар энг юқори ўринларни эгаллаб, ўз билимларини намойиш қилдилар. Иншолар бўйича биринчи ўринни биринчи курс талабалари Санжар Носиров ва Шаҳноза Маминовалар қўлга киритдилар. Иккинчи ўрин Зебинисо Бобокүлова, Баҳодир Маматқулов, Азизхон Аҳмедовларга насиб этган бўлса, учинчи ўринга Екатерина Югай, Тохир Файзиев, Муниса Яшнарьбековалар муносиб деб топилдилар.

Реферат ёзиш бўйича эса биринчи ўрин Сардор Ашуров (иккинчи курс), иккинчи ўрин Баҳром Очлов, (биринчи курс) учинчи ўрин Озода Шамсидинова (биринчи курс), талабаларига насиб этди.

Танлов голиблари Тошкент Давлат юридик институти раҳбарияти томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шаҳноза МУХЛИСОВА

**Матбуот**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кўннинг 12 йиллигини таълим-тарбия муассасалари ва маҳаллаларда кўтаринки руҳ, ижтимоий фаоллик билан нишонлашга тайёргарлик ишларини кучайтириш мақсадида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, «Соғлом авлод учун» халқроқ хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар таянч маскани, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси томонидан кўшма қарори имзоланди.

**КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ ПЙДЕВОРИ**

Мазкур кўшма қарор асосида «Конституция — бахтимиз пойдевори» шиори остида танлов уч босқичда ташкил этилди: 1-босқич — жорий йилнинг сентябрь ойида барча умумтаълим мактабларида; 2 — босқич-жорий йилнинг октябрь ойида барча туман халқ таълими бўлимлари томонидан туман миқёсида; 3 — босқич шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан шаҳар миқёсида ўтказилди.

Танловнинг барча босқичлари «Конституция — бахтимиз пойдевори» шиори остида Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги Низом асосида ташкил этилди.

Танловнинг биринчи (мактаб) ва иккинчи (туман) босқичлари юқори савияда ташкил этилди ҳамда мазкур босқичларда энг юқори натижаларга эришган ўқувчиларнинг ижодий ишлари умумтаълим мактаблари шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Яқинда шаҳар қўшимча таълим мажмуасида «Конституция — бах-

тимиз пойдевори» шиори остида ушбу танловнинг шаҳар босқичи ўтказилди. Унда туман босқичи голиблари кўргазмаси ташкил қилинди. Мазкур танловда жами 117 нафар ўқувчи 139та иши билан қатнашди: жумладан, иншо-лар бўйича 38 нафар, баёнлар бўйича 27 нафар, расмлар йўналиши бўйича 36 нафар ўқувчи шунингдек, альбомлар йўналиши бўйича 11 мактаб, намунали ўқув хонаси бўйича 5 та мактаб ишти-роқ этди.

Тадбир сўнгида хайъат аъзолари томонидан барча йўналишлар бўйича голиб ўқувчилар аниқ-ланди.

Кўрик-танловда фаол иштирок этган ўқувчилар шаҳар ташкилий қўмитаси томонидан эсдалик совғалари, голиблар эса Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг Фахрий ёрликлари билан тақдирланди. Шайхонтохур туманидаги «Шодиёна» болалар дастаси иштирокчиларининг жозибали куй-қўшиқлари тадбирга ўзгача файз киритди.

Дилором ИКРОМОВА

**ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ГАРОВИ**

Мамлакатимизда Конституциямиз ва бошқа қонун ҳужжатларида баён этилган инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат тамойиллари тобора кенг қарор топмоқда. Бу эса демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилапти.

Ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида изчиллик билан ўтказилаётган ислохотлар аввало фуқароларнинг эркинлиги ва конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашга

йўналтирилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

— қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот гарови» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда сўз борди.

Марказ директори Э.Абзалов бошқарган тадбирда Конституциявий суд судьяси Г.Пиржонов, Ҳарбий суд судья-

си С.Турсунов, Тошкент Давлат юридик институти профессори Х.Бобоев, Бош прокуратура бўлим бошлиғи С.Ортиқованинг маърузалари тингланди. Халқимизнинг иродаси, орзу-истаклари ва маданиятини ўзида акс эттирган Бош Қонунимизда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек эзгу мақсади ўзининг тўла ифодасини топганлиги таъкидланди.

Беҳзод НОРБОВЕВ, ЎЗА мухбири

«Турон продукцион» шўба корхонасининг иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин корхонада тайёрланаётган сифатли ва рақобатбардор мебель маҳсулотлари нафақат пойтахтимизда, балки республикамиз вилоятларида ҳам харидорини топмоқда.

**Ҳамкорлик сатараси**


**МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА**

Бойси, корхона мебельсоз тадбиркорлари Германия ва Россия давлатларидаги ҳамкасблари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйиб, замонавий ҳамда харидорталаб ва эҳтиёжга мос мебель маҳсулотлари тайёрлашга эришаётганидир. Маҳсулот турлари эса бозорни ўрганиш асосида тез-тез янгиланаяди. Шунинг учун ҳам ўтган икки йил давомида уларнинг тури 10 тадан 80 хилга етди.

— Дизайнерларимиз ҳар бир маҳсулот устида тинмай изланар экан, албатта, бугунги харидор дилидан, эҳтиёжидан келиб чиқиб иш юритишади, — дейди корхонанинг тижорат ишлари бўйича директори Мамуржон Курбонов. — Пойтахтимиздаги 11 та савдо шохобчалари билан ҳамкорликда иш юритамиз. Келгусида эса ўз фирма дўконимизни очиб, доимий харидорларимизга бир қатор қулайликлар яратиш ния-

тидамиз. Шунингдек бозор талабини чуқур ўрганган ҳолда жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида хориждан замонавий линиялар келтиришни режаллаб турибмиз.

Жорий йилда корхона тадбиркорлари бюргмачилар учун кўргазмалар залини ишга туширишди. Ундан корхонада тайёрланаётган янги маҳсулот турлари ўрин олади. Имкониятларини чамалаб чиққан мебельсозлар тадбиркорлик билан иш юритиб ётоқхона мебеллари учун тўшаклар ишлаб чиқариш цехини ишга туширишни мўлжаллашмоқда. Ёшлар учун қўшимча ишчи ўринлари яратиш, уларга мебельсозлик сирларини мукамал ўргатиш, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни ният



қилиб меҳнат қилаётган мебельсозларнинг ютуқларини шундан ҳам билса бўладики, улар тайёрлаётган маҳсулотларга айна пайтла Афғонистон, Қозғонистон ва Қирғизистон давлатларидан ҳам харидорлар қизиқиш билдиришмоқда. Ажаб эмас, келгуси йилдан қўшни давлатларга маҳсулот экспорти йўлга қўйилса.

Дилфурўз ҒАФУРОВА СУРАТДА: мебель йиғув цехи бригада бошлиғи Азизбек Тўхтаматов шотирди Сардор Обидов билан навбатдаги маҳсулотни тайёрлашмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



## ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

### ШАКЛЛАНИШ ПАЛЛАЛАРИ



Хар бир инсоннинг ҳаёт йўлини танлаши ўзгача кечади. Бундан 40 йил илгари, уч ёшлигидан Тошпўлат Матибоев оқ халат кийган инсонларга нисбатан қандайдир меҳр билан қарашга ўрганганди. Оёғи куйиб қолганидаги даҳшатли изтиробли оғриқ бутун танасини қамраб олган, жисмоний оғриқ уни хар бир атрофдагилардан наҳот кидиришга ундарди ва айни шу кезде дардига малҳам бўлиб, шифо берган инсонлар, халқ тили билан айтганда дўхтирлар бўлишди. Шу-шу унинг кўз ўнгига оқ халат кийган инсонларнинг сиймоси энг қадрдон, энг яқин кишилар каби гавдалана бошлади. Хар сафар уларни учратганда авваламбор инсонлар дардқаша, уларнинг оғирини енгил қила оладиган, ўзганинг дардини ўзининг дардига айлантира оладиган наҳоткор шифокорлар деб биларди.

Тошпўлат аканинг аялари гапларига қараганда, у ўша касалликдан кейин бирор бир марта бошқа дардга чалинмаганди, унинг ҳаракатларида қандайдир кескин ўзгариш рўй берганини ота-ониси сезишган. Ҳаттоки богча, кейин мактаб чоғидаёқ у кичкина бўлишига қарамасдан, тез улғайиб, катталарга ўхшаб фикр юришти, хар бир нарсага аниқ муносабат билдириш қобилиятига эга бўлган, бировга ҳеч қачон ёрдам сўраб мурожаат этмаган, хар бир нарсага мустақил эришишга ҳаракат қилган.

Мактабда ўқиб юрган кезларида Тошпўлат бобоси темир йўл станцияси машинисти бўлиб ишлаган станцияга тез-тез бориб турарди ва унинг ҳамкасблари орасида ўзини бемалол ҳис этарди, чунки бобоси темирйўлчилар касби ҳақида ипидан-игнасигача гапириб берган ва яқиндан таништирганди.

— Ҳаттоки темирйўлчиларнинг махсус касалхонасига бир неча марта олиб борганлар, — дейди Тошпўлат ака. — Бу ерда ўзимни худди ўз уйимдагидек сезардим ва ўша, уч ёшимда менга ёрдам берган инсонлар бирин-кетин кўз ўнгимда гавдаланаверарди. Шифокорлардан наҳот истаб келганлар бироз вақт ўтгач, кайфияти чоғ бўлиб уйига, оиласига қайтаётганини кўриб, улар билан бирга хурсанд бўлардим.

Йўқ, бу шунчаки болалик тушунчалари эмасди, балки бўлажак темирйўлчи-шифокорнинг шаклланиши эди.

— Нима учун темирйўлчи дейсизми, чунки мен хар иккала касбни эгаллаш иштиёқида эдим, — дейди Тошпўлат Матибоев. — Ҳаёт йўлимини танлашга отам сабабчи бўлдилар. Улар тиббиёт институтига кириб, амалиётни темирйўлчилар клиникасида ўтаганини маслаҳат қилдилар, аммо бу мен ўйлаганчалик, унчалик осон кечмади. Тиббиёт билим юртини тугатганимдан кейин бироз вақт «Тез ёрдам»да ишладим ва Тошкент тиббиёт институтига ҳужжатларимни топширдим. Танлов катта бўлгани боис омадим чопмади. Шунда кўп нарсада мустақил бўлишни хуш кўрсам ҳам, яна отам насиҳатларига қулоқ тутдим. «Ўзингни «паст»дан синаб кўр, шундагина ҳақиқий инсон бўлиб етишишинг нималигини яхши англа оласан», деб Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига киришимни маслаҳат бердилар. Бир йил бу қадрдон бўлиб қолган даргоҳда иш-

лаб, ҳақиқатан кўп нарсани ўзимга сабоқ қила олдим. Муҳими, меҳнатнинг қадрига етишни ўргандим. Аммо асосий мақсадимни унутганим йўқ. Тошкент тиббиёт институтига кирдим ва биринчи амалиётимни темирйўлчилар касалхонасида илк устозларим Саид Аъзамхўжаев ва Жаббор Муродовлар кўл остида ўтадим. Уларнинг касб-маҳоратини тўлиқ эгалладим дейишга ҳақлиман, чунки бугунги кунда кўркувсиз жарроҳлик қила оламан. Бу сўзга урғу беришимнинг боиси, кўркув ҳисси жарроҳларнинг ўз ишларини маҳорат билан, тўри бажаришларига ҳалақат беради. Бу ҳисни енга олган кишигина ўз ишининг устаси бўлишга қодир...

— Бугунги кунда шифокорга одамларнинг муносабати бирдай эмаслигини яхши тушунаман ва тан оламан ҳам, — давом этди Тошпўлат ака. — Лекин бу борада менинг виждоним поклигини ишонч билан айта оламан, зеро хар доим, ишда, уйда, кўча-кўйда инсон саломатлигига жавобгарман деб берган қасамёдим ёдга тушади. Мен раҳбарлик қилаётган темирйўлчилар сихатгоҳи, шунингдек клиник шифохонаси жамоаси шу руҳда меҳнат қилаётганини ҳам таъкидлайман. Лекин менинг фикримча, меҳнат жамоасининг қандайлиги эмас, балки уни ким бошқараётгани муҳимдир. Гап фақат менинг устимда эмас. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси қандай катта ҳўжалик эканлигини тасаввур қилиш кийин эмас. Шунга қарамасдан, унинг раиси Очилбой Раматов компаниянинг барча ижтимоий тузилмалари талаб даражасида бўлиши учун вақт ҳам, маблағ ҳам топади. Кейинги йилларда компания томонидан сезиларли молиявий ажратмалар туфайли темирйўлчилар касалхонаси ва сихатгоҳининг моддий-техник негизини тубдан ўзгартаришга эришилди. Бу ерга даво истаб келганлар қандай ишонч билан келсалар, қайтишда ҳам кайфиятлари кўтарилди. Ҳозирги кунда сихатгоҳда тубдан таъмирлаш ишлари давом этмоқда, лекин 50 кишига мўлжалланган мажмуадан тўлиқ фойдаланишмоқда. Темирйўлчиларга ва уларнинг оилаларига хизмат бегараз кўрсатилади, бошқа соҳадагиларга ҳўжалик ҳисобида кўрсатилётган тиббий ёрдамнинг ҳам даражаси юқори бўлиб қолмоқда. Шифо ва дам олиш масканимизнинг макомини сақлаб қолиш ниятида махсус эътироз ва эътирофлар кутисини жорий этганмиз ва хар кун уни шахсан ўзим очиб, агар-

да бирон-бир шифокор томонидан нопок ҳаракат амалга оширилган бўлса, тезда унинг олдини олиш чорасини кўраман. Албатта, бундай ҳоллар жуда кам учрайди...

Нечук биз бугун бу инсон ҳақида сўз юриштишни лозим топдик? Беҳиз эмас, албатта. Тошпўлат Матибоевнинг номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган. Кимдирда моҳир жарроҳ, фаҳрий темирйўлчи, республикадаги йирик сихатгоҳнинг бош шифокори учун депутатлик фаолиятида ҳам ўзини синаб кўриш керакмикан деган саволнинг тугилиши табиийдир.

— Мен учун бу соҳамизда йиғилиб қолган баъзи бир муаммоларни ҳал этиш имкониятидир, — дейди Т.Матибоев. — Республикада ёш авлоднинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан баркамол бўлиб шаклланиши учун хайрли ишлар қилинмоқда. Лекин қуйидаги статистик рақамлар бизнинг бегараз бўлишимизга йўл қўймаслиги лозим. Ўсмир ёшидаги қизларимизнинг 75 фоизи халқ тилида бўқоқ дейилган касалликка турли даражада чалинган. Тўғри, бу нафақат пойтахт, республикамиз, балки дунё микёсидаги муаммодир, чунки бундан ривожланган давлатлар ҳам мустасно эмас. Биз учун айнан ёшлиқдан, мактаб чоғиданок профилактик чора-тадбирлар ўтказиш, бу борада маблағ топиб ҳамда тизим яратиш, бунинг барча бўғинларида амалга татбиқ этилиши муҳим вазирадир.

Тошпўлат Матибоевнинг сайловолди дастуридан бошқа яна бир қатор долзарб масалалар ўрин олган. Ва уларнинг хар бирида инсон саломатлиги, унинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат томонидан қафолатланганлиги тўлиқ таъминлиниши зарурлиги таъкидланган.

— Биз ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти барпо этмоқдамиз ва бундай давлатнинг пойдевори бўлиб адолатлилик хизмат қилиши даркор, зеро хар бир жамият, хар давлатнинг кучи ва қудрати адолатдодир, — дейди Т.Матибоев. — Мен аъзо бўлган «Адолат» партиясининг асосий мақсади ҳам шу шiorга бўйсинади. Сайловчиларим мени тўғри тушунишларини истардим. Бир йил илгари менинг ҳаётимда яна бир бурилиш ясалди. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида тахсил олганим менга сиёсий онгимни тўлиқ шакллантириб, қандайдир янги куч баҳшида этдики, ўзимнинг халқ хизматида янада кенгрок, фаолрок бўлишим лозимлигини ҳис этдим. Ва шундан келиб чиқиб, «Адолат» партияси сафига қўшилдим ва энди унинг манфаатини Тошкент шаҳар Кенгашига депутат номзоди сифатида химоя қилиш ҳараёндаман...

Яна нима дейиш мумкин бу инсон ҳақида? Эртага Тошпўлат Матибоев 43 ёшга тўлади. Унга сихат-саломатлик ва хар бир номзод каби, омад тилаб қоламиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.

## МАМЛАКАТИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ФАОЛ БЎЛАЙЛИК

Саида ҲАКИМОВА,

«Жам» масъулияти чекланган жамияти раиси ўринбосари



(1957 йилда туғилган. Ўзбекистон «Адолат» СДП Чилонзор туман кенгаши хотин-қизлар бўлими бошлиғи. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди партия томонидан кўрсатилган ва 41-Кўтарма сайлов округи бўйича рўйхатга олинган)

2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига ўтказилган сайловлар мамлакатимиз, халқимиз учун катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўзининг асосий мақсади сифатида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислохотларни жадаллаштириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш, халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий химоялаш, халқнинг асрлар мобайнида тўпланган бой маданий ва маънавий меросини авайлаш масалаларига эътибор қаратади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ўртаҳол ва эҳтиёжманд аҳоли табақаларига таянади, уларнинг манфаатларини химоя қилишга интилади.

Шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодини қўйган хар бир кишининг Ватанимиз равнақи, тинчлиги ва фаровонлиги йўлида бир қатор мақсад ва режалари бор.

Мен ҳам ўз сайловолди дастурида куйидаги мақсадларни кўзламоқдаман.

1. Ўзбекистон фуқароларига ўз қонуний ҳуқуқлари, эрки ва бурчларини англашда кўмаклашиш, уларнинг сиёсий онгини ошириш, маданиятини юксалтириш учун курашиш.
2. Ўзбекистоннинг келажаги бўлиши ёш авлоднинг Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ўзбек халқининг аънаналарига таянган ҳолда миллий қадриятларимизни тиклаш, боқ маданий меросимизни ўрганиш ва уни ривожлантириш.
3. Хотин-қизларни оила, жамият ва давлат қурилиши вазибаларини ҳал қилишга фаол жалб этиш, уларнинг ролини ошириш. Оналик ва болаликни муҳофаза этиш соҳасидаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш.
4. Бозор ислохотларини янада қурулаштириш ва эркинлаштириш, тадбиркорликка кенг йўл очиб беришни жадаллаштириш, кичик бизнеснинг ривожини қўллаб-қувватлаш ва химоялаш, шу асосда аҳолининг ижтимоий бандлигини ва фаровонлигини таъминлаш.
5. Адолатли солиқ сиёсатининг амалга оширили-

шига эришиш, иш ҳақи ва нафақаларни ошириш, ўрта синф қатламлари учун бизнес мактаблари ташкил этиш.

6. Маҳаллаларда маънавий-маърифий аънаналарга таянган ҳолда хотин-қизларнинг турли соҳада билимларга эга бўлишида амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш.

7. Жамият негизи бўлиши оилани, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш.

8. Аҳолининг кам таъминланган, ночор, эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар қўллаш, аҳолининг асосий қисми учун сифатли ва бепул даволанишини таъминлаш.

9. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари имкониятларини ошириш, маҳаллаларнинг ваколат доирасини кенгайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқини камситиш ҳолларига йўл қўймаслик юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириш.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун серғайрат, меҳнатсевар, тадбиркор, адолатпарвар, эл-юрт равнақи учун яшаётган инсонларда, хусусан раҳбарларда кўп имконият ва куч-қувват бор. Бизнинг Ўзбекистон келажақда дунёда ривожланган етук мамлакатлардан бирига айланishiга ишончимиз комил. Бу мақсадларни амалга ошириш йўлида эса менга фақат сайловчилар қўллаб-қувватлаши ва далдаси даркор.



## ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ — ЯРАТУВЧИЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

### ЯНГИЧА ФИКРЛАШ, ЯНГИЧА ИШЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Борийхон ИШАНХОДЖАЕВ,

«Оксбор» қўшма корхонаси бош директори



(1965 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига ва 3-Зий Сайд сайлов округидан рўйхатга олинган)

Мустақил Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳар Кенгаши депутати бўлиш барчамизга катта масъулият юклайди. Шаҳар ва туманлар тараққиётининг истиқболларини белгилаб берувчи, оддий фуқаролар ҳуқуқлари ва эҳтиёжларини тобора тўлароқ акс эттирувчи, ҳамшаҳарларимизнинг муносиб ҳаёт тарзини қарор топтиришга хизмат қиладиган қонунларни ишлаб чиқиш, уларнинг изчил ижросини таъминлашда фаол қатнашиш, бу борада ташаббускор бўлибгина депутатлик мандатини оқлаш мумкин.

Шу маънода мен ўз билим ва ҳаёт тажрибамга асосланиб, сайловолди дастурида куйидаги муаммолар ечимини топшишда фаол иштирок этишни мақсад қилиб белгиладим.

Энг аввало, пойтахт меҳнаткашлари ўртасида мулкдорлар қатламнинг шаклланишини тезлаштириш, ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг шароит-

лар яратилиши учун курашишни ўз бурчим деб биламан.

Бунинг учун аҳолини, айниқса ёшларимизнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга, уларда изланувчанлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик ва янгиликка интилиш хисси ва туйғусини уйғотишга ҳаракат қиламан.

Мулкдорлар Ватанимизнинг ҳақиқий эгаси, шахримиз раънақининг жонқуяри бўлганликлари учун ҳам уларга ҳам иқтисодий, ҳам молиявий, ҳам ҳуқуқий, ҳам руҳий-маънавий шарт-шароитларнинг яратилиши учун курашишни виждон амри деб биламан.

Хали хануз учраб турувчи тўрачилик, мансабни суистеъмол қилиш, таъмағирлик каби тадбиркорликка ғов бўлувчи иллатларга қарши курашаман.

Касалар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, умуман ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг дори-дармонлардан бепул ва имтиёзли фойдаланишлари, бепул даволанишларига доир қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг такомиллаштирилиши ва амалда ҳамма ерда бажарилишига эришишга ҳаракат қиламан.

Маҳаллаларнинг ролини ошириш, унда миллий кадрларимиз — ота-онага, катталарга ҳурмат, аҳиллик, меҳр-муруват ва яхши қўшнчилик ҳислатларининг янада барқарор бўлиши учун тинмай фаолият олиб бораман.

Маҳалла — гузарларини обод қилиш, маиший ва савдо хизматларини юксалтириш, ёшлар ва хотин-қизларини иш билан банд қилиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, керак бўлса опаларимиз ва сингилларимизни ўз хонадонларида муайян иш билан машғул бўлишига эришиш чораларини кураман.

«Маҳалла — оила — мактаб» тизими орқали, уларнинг ҳамкорлигида ёшларимизнинг бегона зарарли гоялар таъсирига тўғиб қолмасликлари учун уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, спорт майдонлари, тўғарақлар, ўқув, касб-хунар марказларини ташкил этишга ҳаракат қиламан.

Бунда ҳар бир маҳалладаги энг обрўли ва ҳурматли отахонлар ва онахонлар фаоллигини ошириш, уларнинг ибрат ва намуна таъсирини тарбиявий соҳада кенг қўллашга эътибор қаратаман.

Бугунги кунда одамларимизда қонунни ҳурмат қилиш, қонун асосида фаолият кўрсатиш ва унга итоат қилиш хиссини шакллантириш учун ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳаракат қиламан.

Биз янгича фикрлаш, янгича ишлаш ва яшашни мақсад қилган эканмиз, унда фақат ҳалоллик, поклик, адолат ва ҳақиқатга таянишимиз зарур. Шу йўлда ҳамшаҳарларимга хизмат қилиши, уларнинг оғирини енгиллаштириши ва дардларига дармон бўлиши фуқаролик бурчим деб биламан.

### ИШОНЧНИ ОҚЛАШ — КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Шерзод ЗУФАРОВ,

«Сувсоз» трести давлат унитар корхонаси бошқарувчиси ўринбосари



(1972 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига ва 6-Чўпон ота сайлов округи бўйича рўйхатга олинган)

Сайлов жараёнида «Ким депутат бўлиши керак, у нима ишлар қила олиши мумкин?» деган саволлар барчани чуқур фикр юриштишга ундайди. Бугунги кунда сайланадиган депутат бир сўз билан айтганда халқларвар, фидойи, эркин фикрлайдиган, жамиятимизни тубдан янгилаш, адолатли фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ривожига ўз билими, ташаббускорлиги билан чинакамга таъсир қила оладиган ишбилармон, тадбиркор инсон бўлиши керак деб ўйлайман. Депутатликни қуруқ обрў эмас, балки катта масъулият деб биламан ва шундан келиб чиқиб сайловолди дастурида куйидаги вазифаларни амалга оширишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман:

— тадбиркорлар ва мулкдорларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш ва уларнинг иш юриштишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда бу борадаги расмиятчилик ва сунъий тўсиқларни камайитириш;

— амалдаги солиқ миқдорларини инсон манфаатларига мос тарзда барқарорлаштиришга эришишга ҳаракат қилиш;

— оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун барча имкониятларни ишга солиш;

— маҳаллаларда вақтинчалик ишсиз қолган фуқароларнинг бандлигини таъминлашга эришиш;

— шифокорлар ҳамда ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақларини имконият даражасида оширишга ва уларнинг ўз вақтида бериб борилишига эришиш;

— кам таъминланган ва кўп болали оилалар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ҳамда уларни шифохоналарда даволанишлари учун бепул ёки имтиёзли нархларда дори-дармонлар билан таъминлашни йўлга қўйиш;

— ўқитувчиларга турли коммунал хизматлари тўловларидан имтиёзлар беришга эришиш;

— ёшларнинг ичкиликбозлик, гивъандлик каби инсон ҳаётига хавф солувчи иллатларга берилиб кетишларининг олдини олишда мажбурийлик на-

зоратини ташкил этиш;

— ёшларни касбга йўналтиришга ёрдамлашиш;

— маҳаллаларда, кўп қаватли уйлар атрофида болалар майдончаларини барпо этиш, борларини бугунги кун талаби даражасида таъмирлашни ташкил этиш;

— ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида улар ўртасида турли тадбирларни уюштириш;

— маҳаллаларда жамоатчилик асосида ободончилик ишларини мунтазам ташкил қилиб туриш.

Халқ билан ҳокимият ўртасида кўприк яратиш, халқнинг билдирган ишончини оқлашга, халқ дари билан яшашга, шахримиз обод бўлиши учун астойдил меҳнат қилишга ҳамда халқимиз манфаатларини ҳимоя қиладиган, уларнинг талаби ва истаклари, орзу-мақсадларини амалга оширишни ҳуқуқий асослайдиган қонунлар яратилишига ўз хиссамни қўшишда имкониятларим ва бор куч-қувватимни ишга соламан.

Сиз, муҳтарам сайловчиларнинг ишончларингизни оқлашга, юқорида қайд этиб ўтилган вазифаларнинг амалий ижросини ўз вақтида қонуний таъминлашига эришишга астойдил ҳаракат қиламан.

### ФАЙЗИЁБ КУНЛАРИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН

Максудхон ИШОНХЎЖАЕВ,

«Боситхон» масъулияти чекланган жамияти директори



(1968 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган ва 51-Мирзо Юсуф сайлов округи бўйича рўйхатга олинган)

Биз бугун жамиятимиз буюк уйғониш даврини бошидан кечириётган, ҳаётимиз эса янги мазмун билан бойиётган, турмуш тарзимиз тобора ўзгариб бораётган, онгу тафаккуримизда истиқболга интилиш, келажакка ишонч билан қараш хисси ва кайфияти тобора кучайиб бораётган, фэйзиёб кунларда яшаёлди.

Бундай буюк янгилашлар топ маънодаги янги цивилизация даврининг бошланиши эканлиги бугун ҳаммамизга аён. Зотан, ҳар қандай буюк тараққиёт, ривожланиш чўққиси, энг аввало, ҳаёт ҳодисаларининг, турмуш тарзининг янгилашишидан бошлаёди.

Мамлакатимизда айни ана шундай янгилашлар, ҳаётимизнинг турли соҳаларида олиб борилаётган туб ислохотларнинг асосий мақсади ҳам халқимиз турмуш тарзини тубдан янгилашга, жамиятда ақл-идроққа таянган ижтимоий адолат мезонларини қарор топтиришга йўналтирилмоқда, бизларни эса омул одамлар тақдирига бефарқ қарамасликка ва айни пайтда уларнинг истиқболи ҳақида уйлашга, фикрлашга ундамоқда.

Айни ана шу эзу мақсадларни амалга оширишда иштирок этиш, фуқароларимизнинг муносиб турмуш тарзининг шаклланишини таъминлашга хизмат қиладиган қонунларни ишлаб чиқишда ҳамда уларнинг амалий ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш бир депутатнинг бурчи ҳамда ҳаётий эҳтиёжимиз эканлигидан келиб чиққан ҳолда мен сайловолди ҳаракат дастурининг асосий мазмуни ва мақсади этиб қуйидагиларни белгиладим:

Иқтисодий соҳада:

— тадбиркорларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, мулкнинг капиталга айланишига, яъни мулкдор ўз мулкни ишлаштириш, эгаллик қилиш ва тасаруф этиш ҳуқуқидан тўла фойдаланиши учун зарур шарт-шароит яратиш;

— иқтисодийётни жадал ривожлантиришнинг бош воситаси тарихидаги солиқ тизимини инсон манфаатларига мос тарзда такомиллаштиришга ва меъёролаштиришга эришишга ҳаракат қилиш;

— жамиятда эркин бозор муносабатлари ривож топшишга ҳалал берувчи сабаблар мавжудлигидан келиб чиқиб, кичик ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун барча имкониятни ишга солиш ҳамда тадбиркорлик учун шароитни имкон қадар қулайлаштириш, бу борадаги расмиятчилик ва сунъий тўсиқларни камайитириш.

Ижтимоий соҳада:

— маҳаллаларда фуқароларнинг ўз касб-кори ва лаёқатлилик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларни иш билан таъминлашга эришиш;

— кам таъминланган оилалар, ногиронларга моддий ёрдам

беришни кучайтириш ҳамда уларга эҳтиёж туғилган пайтда шифохоналарда даволанишлари учун бепул ёки имтиёзли нархларда дори-дармонлар билан таъминлашни йўлга қўйиш;

— муҳтожларга коммунал хизмат тўловларида ҳамда жамоат транспортда юришида имтиёзлар берилишига эришиш.

Ёшларга оид:

— ўқувчи ёшларнинг бўш вақтини ва таътилдаги дам олишини тўғри ташкил этишга қўмаклашиш;

— қаровчисини йўқотган, моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож болалар тарбиясига жамоатчилик асосида меҳр-муруват кўрсатиш;

— воёга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишни ташкил этиш;

— жамоатчилик асосида ёшлар ўртасида гивъандликка қарши курашиш;

— ўрта мактабларда мажбурий таълимнинг катъий бажарилишини таъминлаш;

— ёшларни касбга йўналтиришга ёрдамлашиш;

— маҳаллаларда спорт тўғарақларини ташкил этиш;

— ёшларнинг иш билан таъминлашига қўмаклашиш.

Юқоридаги вазифалар амалий ижросининг таъминлашичи мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, бугун халқимиз фаровонлигига, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига, Ўзбекистоннинг буюк келажакни яқинлаштиришга хизмат қиладиган, деб ишонаман.

Сиз, муҳтарам сайловчиларнинг менинг номзодимни қўллаб-қувватлаб, ишонч билдириб овоз беришингиз бу вазифаларни амалга оширишнинг қафолати бўлар эди.

Шарқ дурдоналари

**03-03 УРТАНИБ**  
**Домо бўлиб...**

● Номрад киши узрингни қабул этмайди, хатоингни эса кечирмайди. Разилонга яшадан кўра мардона ўлган минг марта афзал.

● Атрофдаги барча нарсани унутиб, фақатгина бир нарсага ориқча меҳр қўйиш кўзни кўр, кулоқни қар қилади.

● Бир ҳақимнинг айтишича, хушмуомалаликнинг ўн та белгиси бор. Улар қуйидагилар: инсоф, ақл, илм, ҳилм, олижаноблик, кўрам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулоимлик. Мана шу хислатларни ўзида жамлаган одамдан зинҳор ёмонлик кутиб бўлмайди.

● Баён қилишларича, бирор идишга мой қўйиб қўйилган бўлса, унга мой қўйиб қўйилганини ташқаридан қараб билиш мумкин. Шунингдек, одамнинг ҳам юзи, кўзи, тили ва кўринишига қараб унинг дилида нима борлиги, кўнглидан не ҳаёллар кечаётганини сезиб олиш мумкин.

● Бир куни бир ҳақимдан: — Ботирлик яхшими ёки ақлу тadbирми? — деб сўрадилар.

У эса: — Ботирлик тиф бўлса, ақлу тadbир кўлдир. Агар уларга иш қилиш топшириладиган бўлса, кўл тигисиз ҳам уни амалга ошира олади, аммо тиф кўлсиз бирор ишни амалга ошира олиши муаммо! — деб жавоб берди.

● Бир ҳақимдан: — Қандай одам жазога лойик? — деб сўрадилар.

У эса: — Ҳеч қандай инсон жазога лойик эмас. Жазога лойик нарсалар ваҳший ҳайвонлар, одамларга зиён етказадиган инсон-чаён каби газандалардир. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган ёмонликларга жазоланадилар. Шу тарика кишиларни ҳатто одам дейиш ҳам ноўриндир!

● Унутмагинки, киши ҳеч қачон тамағир бўлмаслиги керак. Кишининг бошига тамадан турли балолар келади. Сал нарса учун киши газабланмаслиги керак, чунки киши учун дунёда газабдан кучлироқ нарса йўқ. Газаб келган пайтда киши ўзининг нима қилаётганини ўзи билмайди. Одам кишиларни ўз феълга мослаштиришга уринмаслиги керак. Балки одамлар қандай феълда бўлса ўша феълга мослашмоқ керак.

● Жолинус ҳақим вафот этгач, унинг хонасидан хат ёзилган қуйидаги қоғозни топдилар: «Энг аҳмоқ ва нодон киши шундай кишики, толган емишини — у нима бўлишидан қатъи назар, тўхтамай озғига солаверади. Ваҳоланки, табобатда айтилишича, ўртача ейиш саломатлик гарови!».

Байт:  
**Танпарварлик**  
бўлса доим ҳаёлинг,  
**Қачон сенга кулиб**  
боқади иқбол?  
**Гар гадосан гарчи**  
шоҳнинг лашкари,  
**Нафсинг орузсини**  
йўқотгил дарҳол.  
● Унутмагинки, ўз дардини табидан яширган одам ўз-ўзига хиёнат қилган бўлади.

Халқимизнинг миллий қадриятлари пазандачилик касбини янада юксалтириш, умумий овқатлантириш соҳаси ходимларининг касб маҳоратини ҳамда шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, жаҳон пазандачилиги андозаларини ўсиб келаётган ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, ёш, иқтидорли пазандаларни аниқлаш ва ушбу соҳани санъат сифатида янада ривожлантириш мақсадида шаҳримиздаги ошпазлар, қандолатчилар ва официантлар кўрик-танловининг туманлар бўйича саралаш босқичи ўтказилди.


*Мақола*

**ШАҲРИМИЗ**

**ПАЗАНДАЛАРИ БЕЛЛАШДИ**

Муҳташам «Наврўз» ресторанида бўлиб ўтган ушбу туманлар бўйича саралаш босқичида шаҳримизнинг 11 та туман худуд-

римизга омад тилаш учун умумий овқатланиш соҳасида бутун умрини пазандачилик санъатига бағишлаган фидойи инсонлар яъни уста ошпазларни ҳам таклиф этганмиз. Шаҳримизда ўтказилган ҳар бир кўрик-танловларда пазандаларимиз ўзларининг касб-маҳоратларини ошириш устида ишлаб, яхши натижаларга эришишмоқда. Маълумки, энг уста пазандалари Халқаро мусобақаларда қатнашиб совринли ўринларни эгаллаб қайтишмоқда.




ларида фаолият кўрсатаётган умумий овқатланиш корхонасининг 100 дан ортиқ ошпазлари, 20 дан ортиқ қандолатчилари, 50 дан ортиқ официантлари белгиланган танлов шартлари асосида ҳар хил номинациялар бўйича ўзаро беллашдилар.

— Танлов қатнашчиларининг кўпчилигини ёш мутахассислар ташкил этади, — дейди ташкилий кўмита раиси, Тошкент шаҳар Савдо Департаменти бошлиғи Равшан Абдумажитов. — Бу тadbирга ёшпаз-

танлов эркин дастур асосида 3 хил таом ва маҳсулотлар, мавзувий дастурхонлар сифати, таъми, дастурхон безаш маҳорати каби сифатлар бўйича ҳакамлар ҳайрати томонидан 80 баллик тизим асосида баҳолаб борилди.

«Муаллифлик таоми» номинацияси бўйича 7 нафар, қандолатчилик номинацияси бўйича 16 нафар пазандалар қатнашиб деб топилди.

Шаҳар бўйича танлов 20-22 декабрь



кунлари ўтказилди. Шаҳар танловида 1-3 ўринни олган ғолиблар эса Республика танловида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар. Республика танловида 4 нафар ошпаз, 2 нафар қандолатчи ва 4 нафар официантдан иборат гуруҳ «Энг яхши ошпаз», «Энг яхши қандолатчи», «Энг яхши официант» номинациялари учун беллашадилар.

**Орузгул РУСТАМОВА**  
**СУРАТЛАРДА:** танловдан лаҳзалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Маърифат мангу ёниқ аланга. У қалбларга олов, кўзларга зиё бағишлайди. Маърифатнинг сирли тилсимоти ҳисобланган китоблар эса инсонларни ёруликка, ойдин умилларга ошно этади. Китоб тафаккур ва онг сарчашмасидир. У одамга рағбат, ёмонликка нафрат, яхшиликка муҳаббат туйғусини бахшида этади.

*Мақола*

**МАЪРИФАТГА ОШНО ДИЛЛАР**

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат бoлaлар кутубхонасида «Мен ва қонун» деб номланган тadbир бўлиб ўтди. Шаҳримиздаги 64 мактабнинг 2-синф ўқувчилари Ўзбекистон мадҳиясини куйлаш билан тadbирни очиб бердилар.

Кутубхона директори Фотима Бухарова барча тadbир иштирокчиларини кириб келаётган улуғ байрам — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан табриклади.

Тadbир икки босқичда бўлиб ўтди. Биринчи босқичда мактаб кутубхоналарининг ходимлари ўзларининг ишлари, суҳбатлари, ҳар хил чиқишлари билан йиғилганларни таништирдилар.

Иккинчи босқичда эса, кутубхоначилар янги методика усуллари билан таништирилди. Россия билан ўзаро ҳамкорлик

ва қилинаётган ишлар, янги китоблар ҳақида сўз борди. Маълумот, библиография ва ахборот бўлими бошлиғи Стелла Сараджан бу тadbирнинг ўтказилишидаги муҳим аҳамият ҳақида сўз юритса, ушбу бўлимнинг бош кутубхоначиси Наргиза Тоджибоева «Мен ва қонун» мавзусига оид китоблар шарҳи билан йиғилганларни таништирди. Шунингдек кечада илмий услубиёт бўлими кутубхоначиси Фаридат Тўраева, кичик хизмат кўрсатиш бўлими бош кутубхоначиси Раъно Шодиёва, катта хизмат кўрсатиш бўлими бош кутубхоначиси Муфараҳ Ҳасанхўжаева янги нашрдан чиққан китобларга алоҳида-алоҳида шарҳлар бериш баъраберида бўлимларнинг фаолияти хусусида батафсил маълумотлар бердилар. Тadbирда 35 нафар мактаб кутубхоначи-

лари, мактаб ўқувчилари, кутубхонанинг доимий китобхонлари ва журналистлар иштирок этдилар.

— Бу тadbирни ўтказишдан мақсад, шаҳримиздаги мактабларда фаолият кўрсатаётган кутубхоналар билан яқиндан мулоқотда бўлиб, фикр алмашиш, ҳар хил адабий ва бадий кечалар, викториналар ўтказишни йўлга қўйишдан иборат, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси директори.

Дарҳақиқат, эзгуликнинг гултожи бўлмиш китоб, наинки болалар, балки катталар онгида, шуурида ҳам муҳим роль ўйнайди. Шундай экан сирли тилсимот, билимлар оламига чорловчи кутубхоналарда ўтказиладиган бундай тadbирлар ўз самарасини беришига ишонамиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

**2004 — Меҳр ва мурувват йили**

**МЕҲРИБОНЛИК**  
**УЙГА СОВҒА-**  
**САЛОМЛАР**

Меҳр ва мурувват йилида амалга оширилаётган хайрия тadbирлари орасида «Меҳржон» марсимини ҳам ўзига хос рамзий маъно касб этмоқда. Зеро, «Меҳржон» халқимизнинг сеvimли шодиёналаридан бири сифатида қўпдан бери ўтказиб келинади.

Тошкент юридик коллежида уюштирилган бундай тadbирга пухта ҳозирлик кўрилди. Хайрия марафони тарзида ташкил қилинган байрам шодиёнаси кечгача давом этди. Шарқона қадриятларимизни улуғловчи бу тadbирдан тушган маблағни билим юрти шаҳримиздаги 23-Меҳрибонлик уйига тортиқ қилди.

Болалар даргоҳида бўлган учрашувда коллеж ўқувчилари тўплаган турли совға-саломлар ҳам болакайлارга улашилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

**Шарҳовчи****минбари****ИНТЕРНЕТ – АҚШ ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ЯНГИ ҚУРОЛИ**

АҚШ мудофаа вазирлиги ўз қуроли кучларининг техникавий имкониятларини кучайтирмоқда. Пентагон раҳбарияти янги ҳарбий интернет тармоғини яратишни режалаштираётган. Мутахассисларнинг фикрича, жанговар ҳаракатлар вақтида қўшинларни тезкор разведка маълумотлари билан таъминлашда бу жуда қўл келади.

Бугунги кунда қуроли кучлар мунтазам армия каби бош штабга, авиация ва зирқли техникага эга бўлмаган жангари тўдалар билан тўқнашишига тўғри келаётган. Шу боис бундай тўдаларга зарба беришда махсус ҳарбий тактика қўлланилиши зарур. Бу армия разведкасига асосий маъсуляти юклайди.

Пентагон мутахассислари ишлаб чиқадиган янги ахборот тармоғи рақиб қўшинларининг жойлашуви тўғрисида сунъий йўлдошлар суратга олган тасвири кўчма компьютерларга етказилади. Бундай маълумот жанг тақдирини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

АҚШ мудофаа вазирлиги вакиллари интернет ҳарбий таълим соҳасининг ривожига катта ҳисса қўшишига умид билдираётган. Бироқ уни қуроли кучлар ва разведка тизимида жорий этишда қатор мураккабликларга дуч келиниши мумкин. Чунки, мавжуд қўшин турлари учун узоқ йиллардан буйён сақланиб келаётган тактикавий усуллардан воз кечиш анча қийин. Шунингдек, ҳарбий интернетдан фойдаланишни йўлга қўйиш учун аскарлар ҳозиргига нисбатан 50 марта қувватлироқ компьютерлар билан таъминланиши керак.

Шундай бўлса-да, ҳозир «Boeing», «Cisco Systems», «Factiva», «General Dynamics», «Hewlett-Packard», «Honeywell», «IBM», «Lockheed Martin», «Microsoft», «Northrop Grumman», «Oracle», «Raytheon» ва «Sun Microsystems» каби етакчи АҚШ корпорациялари ҳарбий интернет тармоғини яратиш устида ишламоқда. Тахминларга қараганда, уни ишлаб чиқиш учун 200 миллиард доллардан зиёд маблағ сарфланади.

**Нодирбек ЎЛЖАБОВЕВ,**  
ЎЗА шарҳловчиси

**Қўрғазмалар****ФАЛСАФИЙ ВА ЛИРИК АСАРЛАР ЖОЙ ОЛГАН**

Қамолитдин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтининг услубият марказида рассом ва педагог Баҳром Тоҳиевнинг шахсий кўрғазмаси очилди.

Ушбу кўрғазма экспозициясидан 50 дан ортиқ асарлар ўрин олган бўлиб, муаллифнинг педагогик фаолиятига 30 йил тўлганлиги муносабати билан ташкил этилди. Рассом 1970-1974 йилларда П.Бенков номидаги Республика рассомлик билим юртини тамомлаб, Тошкентдаги 1-болалар санаторийси қошидаги мактабда тасвирий санъат ва чизмачиликдан болаларга сабоқ берган. Шунингдек, у 1981 йилдан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида Бадий графика факультетида фаолият олиб борган. Кўп йиллар давомида И.Репин номидаги Санкт-Петербург рассомлик институтини давомлатган бўлиб, малакасини ошириб қайтган. 1998 йилдан бошлаб Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзосидир. Баҳром Тоҳиевнинг ўнга яқин асарлари хусусий коллекциялар таркибидан ўрин олган бўлиб, ҳозирда Германия, Швеция, Рос-

сия давлатлари музей коллекцияларида сақланмоқда.

Қамолитдин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтининг қошидаги малака ошириш факультети ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу янги кўрғазма экспозицияларидан фалсафий, лирик мазмундаги асарлар жой олган. Шунингдек, натюрморт, портрет, графика ва рангтасвир йўналишларидаги асарлари намойиш этилмоқда. «Осмон ва ер» картинасида аёл ва эркак ўртасида кўёш тасвирланган бўлиб, фалсафий мазмунга эга асар ҳисобланади. Ўйни, картинада аёл қалбидаги кўёш эркак вужудини ёритиб туриши ҳақида баён этилган.

Рассом ижодида портрет жанрига ҳам катта эътибор қаратилган. «Отам Т.Тоҳиев», «Қизим Иродахон», «Ўғлим Зафар», «Филолог», «Қора либосли аёл» портретлари шулар жумласидандир. Реалисти-



ка, графика аъналарини давом эттириб келаётган рассом ижодида табиатга бўлган улкан қизиқиш ҳам намоён бўлади. «Юнусободда баҳор», «Хумсон атрофи», «Кўл бўйида соқинлик» каби асарларида атроф-муҳитнинг мусавфоллиги, табиатнинг гузаллиги ёрқин ранглар билан тасвирланган.

Кўрғазма 15 декабрга қадар давом этади.

**Юлдуз УСМОН**

**СУРАТЛАРДА:** рассом Баҳром Тоҳиевнинг шахсий кўрғазмасидан намуналар.

**Ёнги хавфсизлиги ойлиги****ЎТ БАЛОСИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ**

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида республикамизда 12067 та ёнгинлар содир бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 фоизга камайишига эришилди. Ушбу ёнгинлар натижасида кўрилган моддий зарар 700 миллион сўмдан ошиб кетди. Ёнгинлар натижасида жароҳат олганлар 798 тани (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 фоизга камайган), ҳалок бўлганлар сони 128 тани (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,2 фоизга камайган) ташкил этди.

Ёнгин содир бўладиган объектлар бўйича, жумладан, шахсий уйларида содир бўлган ёнгинлар аксарият ҳолларида алкоғолли ичимликлар ичиб олиб ўринда сигарета чекиб ухлаб қолиш ёки унинг қолдиқларини ўчирмасдан дуч келган жойларга палаттириш ташлаб юбориш, болаларнинг қаровсиз қолиб гуфурт ўйнашлари, газли ва электр иситиш анжомларидан ва электр асбобларидан фойдаланишда оддий ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида содир бўлмоқда.

Яна газ мосламаларининг носозлиги ва улардан фойдаланишда йўл қўйилган эҳтиётсизликлар натижасида ҳам ёнгинларнинг содир бўлиш ҳоллари кузатишмоқда.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратишнинг сўрадик.

Агар газ жўрағи ёпиқ, асосий қувурдан газ чиқаётган бўлса тезда қўшниларингизни огоҳлантиринг ва улар орқали «04» га қўнғирок қилиб, чақиринг. Хонада учкун чикмаслиги ва иссиқлик даражаси кўтарилмаслигини таъминланг. Хонадаги барча кишиларни ташқарига чиқаринг ва хонани ша-

моллатинг. Телефон ва электр токи узгичларидан фойдаланманг. Сизга кўнғирок қила олмаслиқлари учун телефон симини розеткадан суғуриб қўйинг. Оддий телефон кўнғирок ҳам учкун чиқариб, портлашга олиб келиши мумкин. Ташқарида бўлиб, газ хизмати мутахассисларининг етиб келишини кутинг.

Қандай қилиб газ чиқилишининг олдини олиш мумкин? Бунинг учун газ плиталари ва баллонларини ўрнатиш вақтида, фақат газ хизматидадан фойдаланинг. Газ асбоблари ўрнатилгандан сўнг, улардан техник меъёрлар ва хавфсизлик қоидаларига асосан бажарилганлиги ҳақида ҳужжат талаб қилинг. Ёш болаларни газ плитасига яқинлаштирманг ва уларнинг ошхонада ўйнашларига рухсат берманг. Ёнаётган газ хонанинг ҳавосини камайтиради. Шунинг учун ошхонадаги шамоллатиш мосламаларини беркитиб қўйманг. Хонани тез-тез шамоллатиб туринг. Уйдан чиқиб кетиш олдида газ жўрағини беркитишни унутманг.

Шу билан биргаликда ёнгин хавфсизлигини таъминлашда барча ташкилот, муассаса, корхоналар, маҳалла кўмиталари иштирок этишлари лозимлигини таъкидлар эдик. Айниқса ота-оналар ўз фарзандларини қаровсиз қолдирамаслиқлари, уларнинг тез алангаланадиган моддалар билан ўйнашларига йўл қўймамаслиқлари юзасидан назорат ўрнатсалар, ёнгин билан боғлиқ қўлаб аянчли ҳодисаларнинг олдини олишга ҳисса қўшган бўлардилар.

**ЗОХИД МИРЗААХМЕДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Ёнгин хавфсизлиги Бош  
бўшқармаси бўлим  
бошлиғи, подполковник.

**ГАЗДАН ТЎҒРИ  
ФОЙДАЛАНИНГ**

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 октябрдаги фармой-

ишига асосан юртимизда «Ёнгин хавфсизлиги» ойлиги ўтказилмоқда. Жойларда корхона, ташкилот, муассасаларда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари билан учрашувлар, кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари, техникалар намойиши ташкил этилмоқда.

Охириги пайтада газ асбобларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида ёнгинлар сони кескин кўпайиб, баъзи жойларда огир асоратлар қолдираётганлигини ҳисобга олган ҳолда биз қуйида бу борадаги хавфсизлик чоралари хусусида сўз юритмоқчимиз.

Агар Сиз бу қулфатлардан халос бўлишни истасангиз, газ ускуналарида фойдаланишда қуйидаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг:

газ асбобларидан фойдаланишда дераза дарчасини очиб қўйишни унутманг; бу асбоблардан фойдаланишни билмайдиган шахсларни ва болаларни асло яқинлаштирманг;

газ баллонлари, газ плитасидан 0,5 метр ва иситиш асбобларидан 1 метр нарида жойлаштирилган бўлиши керак; ёнувчи маҳсулотлар, тез алангаланувчан моддалар газ асбобларидан узоқроқда сақланиши керак.

Агар газ чиқаётганини сезсангиз, зудлик билан газ асбобини ўчиринг, дераза вакеи ҳақида телефон орқали «04» га, яъни ТошГАЗ хизматига хабар беринг. Ёнгин чиқиб хавфи тугилган тақдирда телефон орқали «01» га, яъни ёнгин ўчирмиш хизматига хабар бериш керак.

Шуни ёдда тутингки, газ фақат ундан нотўғри фойдаланилгандагина хавфлидир.

**Раҳматжон ИСРОИЛОВ,**  
5-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги бўлими алоҳида пост бошлиғи, капитан.

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**«Меҳрли савдо» Давлат корхонаси 2005 йил 1 чорагида қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун тендер савдолари ўтказилишини маълум қилади.**

— шакар  
— сариёт  
— биринчи тоифали музлатилган мол гўшти

Тендер тақлифларини қабул қилиш ҳамда тендер ҳужжатларини бериш ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзил бўйича амалга оши-

рилади:  
Тошкент шаҳри, 700000, Мирзо Улуғбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27-уй, Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15, факс 137-14-92. Тақлифларни қабул қилишининг охириги муддати 2004 йил 24 декабрь, соат 17.00 гача.

Танлов асосида қуйидагиларни хав-

рид қиламиз:  
— ҳар хил турдаги ёрмалар, жумладан:  
гуруч, майдаланган нўхот, перловка, гречка, тарик, ловия, мош;  
— ёддаги балиқ консервалари;  
— мол гўшtidан тайёрланган консервалар.

*Футбол*

**МИРЖАЛОЛ «МАШЪАЛ»НИ ТАНЛАДИ**

Ўзбек футболнинг ёркин юлдузи, Россиянинг «Алания» клуби ярим ҳимоячиси, Ўзбекистон терма жамоаси сардори Миржалол Қосимов келгуси мавсумдан Муборакнинг «Машъал» жамоаси шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

Гап шундаки, Миржалол Қосимовнинг «Алания» жамоаси билан тузган шартнома муддати тугади. Кўпчилик мутахассислару муҳлислар эндиликда Миржалол яна «Пахтакор» сафида тўп суради, деб тахмин қилишганди. Аммо, кутилмаганда футболимиз юлдузини ўз таркибларида кўришни ис-таётган «Машъал» жамоаси раҳбарияти таклифини Миржалол қабул қилди. Дарвоқе, «Машъал»-га оид яна бир янглик шуки, бош мураббий Ислам Аҳмедов жамоани тарк этган.

**ПОЛЯКОВ «ЛОКОМОТИВ»ДА**

Маълумки, жорий йилги Россия чемпионати премьер лигасида чемпионлики кўлга киритган Москванинг «Локомотив» жамоаси келгуси йил учун тайёргарликни бошлаб юборди.

Иқтидорли бош мураббий Юрий Сёмин янги йилда ўз жамоаси ҳимоясини кучли дарвозабон билан мустаҳкамлашга аҳд қилди. Шуниси эътиборлики, Россиянинг «Крилья Советов» жамоасининг посбони, Ўзбекистон терма жамоасининг асосий дарвозабони Алексей Поляков Сёминнинг назарига тушган шекилли, келгуси мавсумдан у «Локомотив» шарафини ҳимоя қилади. Шуниси қувонарлики, эндиликда «Локомотив» сафида Ўзбекистон терма жамоасининг ўч нафар аъзоси — Мамин, Пашинин, Поляков тўп суради.

**АГАМУРОДОВ КУЧЛИ УЧЛИКДА**

2004 йилги футбол мавсуми якунланиши билан одатдагидек, Осиё футбол конфедерацияси йилнинг энг яхши футболчилари ва мураббийлари рўйхатини эълон қилди.

Унга кўра китъамизнинг энг кучли футболчилари қаторида Ўзбекистон чарм тўп усталаридан ҳеч бирининг исми зикр этилмаган бўлсада, мутахассислар орасида «Пахтакор» жамоаси бош мураббийси Тачмурод Агамуродовнинг борлиги қувонарли хол.

Дарвоқе, Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси томонидан ташкил этиладиган тантанали кеча 9 декабрда ўтказилади. (Ўз муҳбиримиз)

«Файз» Холдинг компанияси Кузатув Кенгаши ва қасаба уюмчаси компания бошқаруви раиси Мукаррамхон Аҳадовна Азимовага волидаи муҳтарамаси

**ОФТОБХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Газетанинг навбатдаги сони 8 декабрда чиқади.



Илк қор нафаси...



*Болалар спорти*

**«НИҲОЛ» СПОРТСЕВАР НИҲОЛЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ**

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган хайрли ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Юнонларнинг дунёга машҳур алломаси Афлотун: «Ҳар қандай бошланган иш, ўша иш бажарилганининг ярмини билдиради», деган эди. Худди шу маънода бугун республикамизнинг қай гўшасига борманг тез, қисқа фурсатларда фойдаланишга топширилаётган спорт иншоотларини, очик ва ёпик сув ҳавзалари, замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган стадионларни кўрган кишининг қалби хаприкчи кетиши, табиий. Бу — Истиклол берган имконият.



Қуни кеча Бектемир туманидаги «Маърифат» маҳалласида ана шундай спорт мажмуаларидан бири қурилиб, спортсевар ёшлар ихтиёрига топширилди. Мазкур спорт иншооти хайрли ниятлар билан «Ниҳол» деб номланди.

Бу кўркам ва мухташам мажмуанинг бунёд этилишида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, туман раҳбарияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир тумани бўлими кенгаши ва туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўз ҳиссаларини қўшди.

Спорт мажмуасининг очилиш маросимида сўзга чиққан Бектемир тумани ҳокими Акмал Ҳошимжонов аввало юртимизда кенг миқёсда амалга оширилаётган ҳар томонлама соғлом, баржомол авлодни тарбиялаб вояга етказиш сиёсати қисқа фурсатларда ўз самарасини берганлигини таъкидлади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, «Ниҳол» болалар спорт мажмуасининг бунёд этилишида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг ўзига хос ўрни бор.

Маълумки, кейинги пайтларда болалар спортини ривожлантиришга бугун республикамизда муҳим эътибор қаратилмоқда. Зеро, болалари соғлом юрт кудратли бўлади деб бежиз айтишмайди.

**ХАЙРЛИ ТАШАББУСГА — КЕНГ ҚАНОТ**

Айниқса, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилгач, бу борадаги ишлар янада жонланиб кетди. Ушбу жамғарма жойларда ёшлар спортининг ҳақиқий суянича айланди.

Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Умумий ўрта таълим мактабларини давлат таълим стандартлари бўйича тасдиқланган спорт

турлари бўйича мусобақаларни ўтказишда зарур бўладиган спорт анжомлари билан таъминлаш, мактабларда иш олиб бораётган спорт тўғрақларининг самарадорлигини ошириш, жисмоний тарбия машғулотларини замон талабларига мос равишда олиб бориш, спорт билан мунтазам шуғулланувчи болалар сонини ошириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида «Умид» болалар спорт мажмуасида шахримиздаги барча 315 та умумтаълим мактаблари директорлари

ва жисмоний тарбия ўқитувчиларини йиғиб, мактабларда фойдаланиш учун иккитадан волейбол, баскетбол ва футбол тўплари, шахмат тахталари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Анвар Зокиров, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Асқар Толбегоновлар шахримизда болалар спортини ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар, бундан ташқари яратилаётган шарт-

— Туман «Камолот» етакчилари ҳам қўл қовуштириб қараб турганлари йўқ, — дейди ушбу ҳаракатнинг туман кенгаши раҳбари Илҳом Алимов. — Агар шаҳар «Қурилиш лойиҳасервис» ташкилоти қурувчилари 381 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришган бўлса, биз маҳалаларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордик, меҳнатга лаёқатли ёшларимизни ҳашар йўли билан кўмакка чорладик.

Халқимизда: «Ҳашар — элга ярашар» деган нақл бор. Худди ана шу олижаноб ниятни қалбларига муҳраб олган бектемирлик оловқалб ёшлар ёрдамида янги спорт мажмуасининг кўпгина жойлари бунёд этилди.

— Мен мана шу мажмуа қурилишида қатнашиб, бир нарсанинг гувоҳи бўлдим, — дейди «Ниҳол» болалар спорт мажмуаси жойлашган «Маърифат» маҳалласи оқсоқоли Азизбек Эгамов. — У ҳам бўлса халқимиз тилида кўп бор айтилаётган: «Эл бир лўқмадан берса тўйдирди, бир муштдан урса ўлдирди», деган мақолидир.

Демокриманки, бизнинг халқимиздай, бизнинг биродарлигимиздай ақиллик дунёдаги бошқа халқларда кам учрайди.

Энди мажмуа ҳақида батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, у очик ва ёпик спорт майдонларига эга. Агар очик спорт майдонларида футбол, баскетбол, югуриш, енгил атлетика сингари спорт турлари бўйича мусобақа ва машғулотларни ўтказиш имкони бўлса, ёпик спорт майдони заллар, кийим ечиш, ювиниш хоналари билан шинам, замонавий услубда жиҳозланганлиги билан эътиборлидир.



— Ҳозирги кунда туманимизда 17 ёшгача бўлган 6 мингдан ошиб ўсмир ёшлар мазжуд, — дейди Бектемир тумани Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бош мутахассиси, Валиқон Анорбоев. — Уларда қизиктиш катта, иштиёқ зўр. Энг қувонарли томони, ҳатто бугундан бошлаб спорт тўғрақларига ёзилиш истагида эканликларини билдиришмоқда.

Хуллас, спорт мажмуасининг очилиши Бектемир туманида истиқомат қиладиган спортсеварлар учун чинакам байрам бўлади. Ахир қувонам ҳам бўладими?! «Ниҳол» спорт мажмуасида шуғулланган бугунги ёшлардан эртага Руфат Риксиевдай моҳир боксчилар, Рустам Қосимжонов каби таниқли шахматчилар, Абдулла Тангриев сингари қураги ер кўрмаган полвонлар етишиб чиқмаслигига қим қафолат бера олади дейсиз. Албатта, чиқади! Бунинг учун юксак ирода, бемисл ички интизомга риоя этиш, фақат галаба сари интилиз зарур.

Биз бу йўлда уларга омадлар ёр бўлишини тилаймиз.

**Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: «НИҲОЛ» СПОРТ МАЖМУАСИНING ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАН ЛАВҲАЛАР. ҲАҚИМЖОН СОЛИХОВ ОЛГАН СУРАТЛАР.**

шароитлар тўғрисида тўхталиб ўтишди. Шунингдек, барча умумий ўрта таълим мактабларининг катта жисмоний тарбия ўқитувчиларига топширилаётган ушбу анжомлардан ўқув масканларида жисмоний тарбия дарслари ва машғулотлари самарадорлигини ошириш йўлида фойдаланилишига ишонч билдиришди.

Тадбирда иштирок этаётган Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари ушбу жамғарма томонидан ҳар ойда худди шундай тадбирлар республикамизнинг бошқа вилоятлари, биринчи галда чекка ҳудудларда жойлашган қишлоқ мактабларида ўтказилишини таъкидлаб ўтишди. (Ўз муҳбиримиз)



**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақми — 2 босма тибкоб объект услуби босилади.  
2764 нускада босилади. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Намр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини»-га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.